Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 8-yanvar. Seshanba • 3 (31.593) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Бандлик

## «НУРОТА ТЕКСТИЛ»

*ишга тушгач, 100 нафар кишининг бандлиги таъминланди*

**Навоий вилояти Нурота туманида лойиҳа қиймати 600 миллион сўмлик «Нурота текстил» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади.**

Корхонани молиявий қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириши учун «Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банк»инингНавоий вилоят филиали томонидан 146 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада касб-ҳунар коллежларини битирган 100 нафарга яқин ёшлар доимий иш ўринларига эга бўлди.

Корхона келгусида маҳсулотларини хорижга экспорт қилишни режалаштирган.

**Илҳом САТТОРОВ**

## КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ УЧУН

*янги иш ўринлари*

**Жиззах шаҳрида ишлаб чиқариш корхоналари сони яна биттага кўпайди. «Тошлоқ» маҳалласидаги «MLR-ULUGBEK-MX» МЧЖ негизида пайпоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

Умумий лойиҳа қиймати 1 миллиард 150 миллион сўмни ташкил этган корхонада йилига 2 миллион 500 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилади. 741 миллион сўм банк кредити ва 409 миллион сўм ўз маблағи ҳисобидан илғор хориж технологияси ўрнатилган корхонада 56 та янги иш ўрни яратилди. Ишга жойлашганларнинг 70 фоизидан кўпроғи касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбури.**

Қишлоқ обод, юрт обод

## «АФСОНА» ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

**Олтинкўл туманининг Кўмакай қишлоқ фуқаролар йиғини Ойишахоним маҳалласида уч қаватли «Афсона» аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.**



Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

*Суратда: «Афсона» маиший ва сервис хизмати кўрсатиш мажмуаси.*

«Ҳақиқат умид юлдузи» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган муҳташам масканда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, сартарошхона, қассобхона ва бошқа зарур хизматлар йўлга қўйилди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Депутатлик гуруҳлари — электорат манфаати ҳимоячиси

# АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ

*жорий йилда ҳам долзарб вазифамиз бўлиб қолади, — дейишмоқда бухоролик ЎзХДП фаоллари*



**Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, тинч ва фаровон ҳаёт барпо этиш эзгу интилишларимиз асосини ташкил этади. Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз ана шундай орзу-ниятларни ҳаётимизнинг мақсадига айлантириш, бунинг учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиш, бугунги кунда ғоят муҳим ва долзарб аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.**

Бу мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар шу жумладан, Ўзбекистон ХДП зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Шунинг учун партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари янада фаол бўлиши, ўтган йилдаги ишларга танқидий ёндашиб, ютуқ ва тажрибаларни кенгайтириши талаб этилади.

Хўш, Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида ўтган йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, эришилган натижалар таҳлил этилиб, Обод турмуш йилидаги вазифалар белгиланиб олинмоқда. Бу ҳақида ЎзХДП Бухоро вилоят, туман, шаҳар кенгашлари фаоллари ва депутатларига савол билан мурожаат қилдик.

⇨ 2

Муносабат

**Президентимиз халқимизга йўллаган янги йил табригида мамлакатимизда барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқ ва марраларнинг мустаҳкам замини одамларнинг, аввало ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларнинг дунёқараши, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги ортиб бораётганида эканини алоҳида таъкидлади.**

## ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ЗАМИНИ

Биз ёшларга билдирилаётган бундай катта ишонч ҳар биримизни янада юксак марраларга етаклайди ҳамда зиммамизга катта масъулият юклайди. Бизнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишимиз, истеъдод ва қобилиятимизни рўёбга чиқаришимиз учун кенг имкониятлар яратилган. Булардан самарали фойдаланиб, юртимиз равнақига янада улкан ҳисса қўшиш бизнинг бурчимиздир.

Сурхондарё вилоятида 13 мингга яқин йигит-қиз «Истиқбол» ёшлар қанотига бирлашган. Ортда қолган йилда партиямиз ғояларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, қанот аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш бўйича кўплаб тадбирлар ўтказдик. Жойларда депутатлар ҳамкорлигида ташкил этилган учрашувлар, давра суҳбатларида ёшларни қизиқтирган қатор масалалар муҳокама этилди. «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг республика босқичида ҳам муваффақиятли қатнашдик.

Қанот жорий йилда ҳам ёшлар ва ёш оилалар ҳаёти ҳамда фаолияти билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ўрганиш, партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳлари имкониятларидан фойдаланган ҳолда уларни ижобий ҳал этиш, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш бўйича кўплаб лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни режалаштирган.

Бизнинг интилишларимизни Юртбошимизнинг ўзи қўллаб-қувватлаётгани, эътироф этаётгани кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

**Авазбек ОМОНОВ,**
**ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Сурхондарё вилоят бўлими етакчиси.**

Тиббиёт

## «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАСИ»




*Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган 39-оилавий поликлиника Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган танловда ғолиб бўлди*

⇨ 4

КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИН

*партия ғояларини ҳаётга изчил татбиқ этишда муҳим восита*

⇨ 2



«СИЗДЕК МАРДЛАР КЕРАК, ЎЗБЕКИСТОНГА»

⇨ 3



ЯНГИ МАВСУМ ТАРАДДУДИ

⇨ 4



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2013 ЙИЛ 8 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Евро | 2607,13 | 1 Дания кронаси | 347,55 | 1 Хитой юани | 318,81 | 1 Туркия лираси | 1113,60 |
| 1 АҚШ доллари | 1985,55 | 1 БАА дирҳами | 540,58 | 1 Украина гривнаси | 248,41 | 1 Швейцария франки | 2144,69 |
| 1 Россия рубли | 65,37 | 1 Миср фунти | 308,08 | 1 Малайзия ринггити | 652,71 | 10 Жанубий Корея вони | 18,67 |
| 1 Австралия доллари | 2080,06 | 1 Исландия кронаси | 15,37 | 1 Польша злотийси | 629,57 | 10 Япония иенаси | 225,37 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3186,21 | 1 Канада доллари | 2011,91 | 1 СДР | 3027,75 | | |



* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Депутатлик гуруҳлари — электорат манфаати ҳимоячиси

# АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ

## *жорий йилда ҳам долзарб вазифамиз бўлиб қолади, — дейишмоқда бухоролик ЎзХДП фаоллари*

**Саида Жўраева,**

***ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Ўтган йили партиямиз ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари томонидан ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш билан боғлиқ муайян ишлар олиб борилди. Туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилган қатор масалаларни киритди. Натижада иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари атрофлича таҳлил этилиб, мавжуд камчиликларни ҳар томонлама бартараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, Халқ депутатлари Бухоро туман Кенгаши сессиясига партиямиз депутатлик гуруҳи ташаббуси билан «Туманда саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш», Қоракўл туманида «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш», Вобкент туманида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш оилаларни иш билан таъминлаш ва улар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар», шунингдек, «2012 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» ижроси ўрганилиб, мазкур масалалар партиямиз дастурий мақсадлари, электорат манфаатлари билан боғлиқ тарзда сессиялар кун тартибига олиб чиқилди.

Обод турмуш йилида ҳам бу ишларни изчил давом эттириш кўзда тутилаяпти. Президентимиз 2013 йилда давлат ва жамиятимиз олдида турган муҳим вазифаларга тўхталар экан, **аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш** каби вазифалар эътиборимиз марказида бўлиши лозимлигини уқтирди. Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, биз бу ишлардан жуда манфаатдормиз. **Шунинг учун бу муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида алоҳида қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг тўғри тақсимланиши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратиш режалаштирилди.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Толиб Авезов,**

***ЎзХДП Вобкент туман кенгаши раиси, Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Ўтган йили партиямиз депутатлик гуруҳи томонидан Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси муҳокамасига 2 та масала олиб чиқилди. Унда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси ҳамда кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар аъзоларини иш билан таъминлаш, ёш оилаларга кўмаклашиш борасида туманимизда олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Маълум бўлишича, ўтган йили туманда ёш оилаларга мебель ва маиший техника жиҳозлари сотиб олиши учун кредитлар ажратилган. Шунингдек, ҳар бир маҳалла ва қишлоқда 50 тага яқин ёш оилаларга ижтимоий ёрдам берилган.

Бироқ шунга қарамай, ёш оилаларга имтиёзли кредитлар ажратиш, томорқа ерларидан фойдаланиш борасида муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Сессияда депутатлар томонидан бу борада таклифлар билдирилди ва уларни бартараф этиш бўйича қарор қабул қилинди.

Жорий йилда фаолиятимизни талаб даражасида ташкил этиш бўйича режа ишлаб чиқдик. **Давлатимиз раҳбари Обод турмуш йили муносабати билан қабул қилинадиган давлат дастурида Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва қадрига етиш туйғуларини кучайтириш, аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш вазифаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.** Шундан келиб чиқиб, жорий йилда ана шу масалаларга эътиборни кучайтириш мақсадида ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш орқали аҳоли даромадларини ошириш, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар ҳамда пенсия ва нафақаларнинг тўғри тақсимланиши назоратини такомиллаштириш бўйича чоралар белгиладик. Бунда ижтимоий шерикчилик асосидаги муносабатлар яхши самара беришига алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

**Файзулла Бебутов,**

***Қоракўл туман партия кенгаши раиси, Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш ва сервис билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар берилаяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Юртимиз тараққий этгани, аҳолининг реал даромадлари ошгани сари хизмат кўрсатиш ва сервисга эҳтиёж ҳам ўсиб бораяпти. Ана шу талабни қондириш баробарида, энг аввало, янги иш жойлари ташкил этилади, оилалар учун қўшимча даромад манбаи яратилади. Демак, тегишли дастурларда мазкур йўналиш бўйича назарда тутилган объектлар ўз вақтида ишга туширилиши муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун жамоатчилик ва депутатлик назоратини, керак бўлса, ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада тизимли йўлга қўйиш талаб этилади. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб ҳамда электорат манфаатидан келиб чиқиб, партиямиз депутатлик гуруҳи туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишларни ўрганиб, сессия кун тартибига шу билан боғлиқ масалани киритди. Унда туманда фаолият юритаётган 1000 га яқин ҳар хил турдаги хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти, бу соҳадаги камчиликлар таҳлил этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Бироқ бу билан ўтган йилги фаолиятимиз талаб даражасида бўлди, ишимиздан кўнглимиз тўлди, дея олмайман. Туманда электоратимиз манфаатларига дахлдор айрим муаммолар бор. Уларни ҳал этиш учун талабчанликни оширишимиз, аниқ ва қатъий режа асосида иш тутишимиз керак.

Шунинг учун бу йил Халқ депутатлари туман Кенгашидаги доимий комиссиялар билан ҳамкорликда ишлашни, хусусан, депутатлик гуруҳимиз билан қўшма йиғилишлар ўтказиш ва назорат-таҳлил ишларини қишлоқларда кўпроқ олиб боришни режалаштирдик.

***Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш бўйича хайрли ишлар қилиниши кўзланаётган 2013 йилда партия фаоллари, депутатлар, умуман, партиямизнинг ҳар бир аъзоси фаол бўлиши, турмуш ободлигига муносиб ҳисса қўшиши учун астойдил курашиши талаб этилади.***

**«Ўзбекистон овози» мухбири Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.**

ЎзХДП ҳаётидан

**Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича Навоий шаҳрида қилинаётган ишлар, шунингдек, партия электорати манфаати ҳимояси билан боғлиқ бошқа масалалар муҳокама этилди.**

# ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИДА

## *электорат манфаати билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди*

Йиғилишда сўзга чиққан Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Фазлиддин Холмуродов, депутат Рустам Арзиев Обод турмуш йилининг устувор вазифалари ЎзХДП дастурий мақсадлари ва электорат манфаатлари муҳофазасига ҳамоҳанглигини, шундан келиб чиқиб депутатлик гуруҳи аъзолари жорий йилда янада фаол ва ташаббускор бўлиши талаб этилаётганини таъкидлашди.

Депутатлар Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги муносабати билан «Амнистия тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш масаласида ҳам фикр юритиб, бу борада депутатлар зиммасидаги вазифаларни муҳокама этишди.

Йиғилишда, шунингдек, Навоий шаҳри ФҲДЁ идорасида никоҳ тузиш учун ариза берган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларини ўрганиб, унинг натижаларини Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг тегишли доимий комиссияси муҳокамасига киритишга келишиб олинди.

**Феруза ҚОДИРОВА**

Обуна — 2013

# ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

**Маълумки, Президентимиз халқимизга йўллаган янги йил байрами табригида аҳолининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий билими ва фаоллиги, фуқаролик масъулияти кучайиши ютуқларимизнинг мустаҳкам замини эканига алоҳида эътибор қаратди. Бу жараёнда мамлакатимиз ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва таҳлилий ахборот етказувчи оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуотни доимий кузатиб боришнинг аҳамияти беқиёс, албатта. Шу боис газета ва журналларнинг ҳар бир хонадонга, ташкилот ва корхонага кириб бориши ҳаётий заруратга айланди.**

Мустақиллик йилларида ёқилғи энергетика соҳаси Қашқадарё вилоятида жадал ривожланган, энг кўп инвестицияси киритилган соҳа бўлди. «Шўртангазкимё» мажмуаси республикада етакчи корхоналардан ҳисобланади. Мажмуада ишчи-ходимларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимини ошириш, фуқаролик масъулиятини шакллантиришга муҳим вазифа сифатида қараб келинмоқда.

— Жамоамизда ҳар йили газета ва журналларга обуна уюшқоқлик билан ташкиллаштирилади, — дейди **«Шўртангазкимё» мажмуаси директори ўринбосари Фахриддин Кувватов.** — Шу орқали мажмуа тизимида ишловчи ҳар бир ишчи-ходим вилоят ва республикамиздаги янгиланишлар, чет эллардаги воқеалар билан танишиб бориш имконига эга бўлаяпти. Бу ишларни ташкил этишда мажмуа масъул ходимлари, хусусан, Эшбой Қаршиев ва Абдиқодир Каримов фаоллик кўрсатмоқда.

**Яхши ният ва режалар билан янги йил — Обод турмуш йилини кутиб олдик. Янги йилда мамлакатимиз ҳаётида янада қувонарли, кенг кўламли янгилик ва ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Бугунги дунёнинг ўзига хос воқеалари, биз кутган ва кутмаган синовларидан огоҳ бўлиш, улардан тегишли хулосалар чиқариб олиш учун, албатта, оммавий ахборот воситаларини кузатиб бориш зарур бўлади.**

Шу ўринда почта алоқа тармоқлари томонидан обуна шартномасига асосан газета ва журналларни ўз вақтида обуначиларга етказиш кафолатланганини эслатиб ўтмоқчимиз.

**Музаффар ТУРОПОВ**

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч!

# КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИН

## *партия ғояларини ҳаётга изчил татбиқ этишда муҳим восита*

**Юртимизда инсон манфаатларини ҳимоялаш ва рўёбга чиқаришда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими — маҳалланинг иштироки тобора кучайиб бораяпти. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳам ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти, аввало, маҳаллани обод қилиш эканини алоҳида таъкидлади.**



Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги 1500 та оила, 8054 нафар аҳоли истиқомат қиладиган «Шофайзи» маҳалласида бўлганимизда фуқаролар йиғинининг бу борадаги амалий ишларига гувоҳ бўлдик. Маҳалладаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти эса нафақат партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишга хизмат қилмоқда, балки фуқаролар йиғини олдида турган вазифаларни бажаришга ҳам кўмаклашмоқда. Ўз атрофига 40 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган бу бошланғич ташкилот маҳалла аҳлининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд фуқаролар, ёлғиз кексалар ва ногиронларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда партия фаоллари қатор ташаббусларни илгари сурмоқда.

Яқинда бошланғич ташкилот саъй-ҳаракати билан ҳомийлар ёрдами уюштирилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг коммунал тўловлардан мавжуд қарзлари тўлаб берилди.

— Маҳалламизда уюштириладиган барча тадбирларни ЎзХДП бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда амалга ошираётганимиз яхши самара бермоқда, — дейди **«Шофайзи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Шамсиддинов.** — Кейинги йилларда ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ортиб бораяпти. Жорий йилнинг Обод турмуш йили деб эълон қилиниши ҳам маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришни тақозо этади.

Шуни айтиш керакки, фуқаролар йиғинларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориши ёшларни иш билан таъминлаш масалаларида ўз аксини топаяпти.

— Партиямиз фаоллари ёрдами билан ўтган йили маҳалламиздаги кўплаб битирувчилар иш билан таъминланди, — дейди **ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси Шомил Юсупов.** — Жумладан, Лобар Туропова мактабгача таълим муассасасига, Марғуба Абидова «R-F Fortuna TEX» МЧЖга ишга жойлаштирилди. Вақтинча ишсиз кишилар партиямиз электорати ҳисоблангани учун ҳам мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларга тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ечим топишга, ҳаракат қилаяпмиз.

Маҳалламизда 30 нафарга яқин касаначи фаолият олиб бормоқда. Хотин-қизлар бандлигини таъминлашда уларнинг ёрдамига таянаяпмиз. Биргина Элмира Нурмуҳаммедованинг тикувчилик цехида 10 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилаяпти.

Бошланғич ташкилот фаоллари сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги тадбирларни мунтазам баҳс-мунозара тарзида ташкил этишга, уларда кўпроқ мутахассислар, олим ва сиёсатшунослар иштирокини таъминлашга эътиборни кучайтирди.

Мазкур тадбирларда оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ошириш, партия электоратининг ижтимоий-иқтисодий масалаларда фаоллигини кучайтиришга эътибор берилаётир.

Обод турмуш йилида маҳалла олдига қўйилган вазифаларнинг самарали бажарилиши энг аввало, инсон манфаатига, турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилади. Демак, бу ишлар партиямиз электорати манфаати билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун маҳалладаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти жорий йилдаги режасини ана шу устувор йўналишлар асосида белгилаб олди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# «СИЗДЕК МАРДЛАР КЕРАК, ЎЗБЕКИСТОНГА!»





**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Шарқий ҳарбий округ қисмларида Фарғона вилояти ҳокимлиги ва жамоатчилик вакилларининг учрашувлари бўлиб ўтмоқда.**

Ватан ва ҳарбий хизмат тушунчаси мамлакатимиз мустақилликка эришгач, янгича маъно касб этди. Нафақат ҳарбий хизматчилар, балки ҳар бир юртдошимиз Ватанни ҳимоя этиш, келажак авлодларга озод ва обод қолдириш муқаддас бурч эканини қалбан ҳис эта бошлади.

Мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилингач, энг муҳим вазифалардан бири — бу мустақилликни, тинчликни ҳимоя қиладиган миллий армияни тузиш эди. Президентимиз раҳбарлигида замонавий миллий армия тузилди. Бугунга келиб Қуролли Кучларимиз Ватанни ҳар қандай душмандан ҳимоя қила олиш қудратига эга.

— Мана, бир неча кундирки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши асосида вилоят ҳокими бошчилигида ҳарбий қисмларда аскар ва офицерлар билан юзма-юз мулоқотлар, дилдан суҳбатлар ўтказилмоқда. Уларни Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан табриклаяпмиз. Алоҳида ўрнак кўрсатган ҳарбий хизматчиларга, ҳарбий қисмларга вилоят ҳокимлигининг совғаларини топширяпмиз, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси, ЎзХДП фаоли Энахон Сиддиқова. — Аскарларимиз Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлардан беҳад мамнунликларини изҳор қилишмоқда.

Самимий мулоқотлар чоғида Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси, вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Топволди Холдоров яқин тарих воқеаларини эслаб шундай деди:

— Мана, 20 йилдирки, ҳар гал Ватан ҳимоячиларини Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони, Президентимиз шахсан табриклайдилар. Биз ҳаётий тажрибага эга отахонлар бу табрик қадри жуда баландлигини яхши биламиз.

Мен ҳам собиқ шўролар даврида армия сафида хизмат қилганман. Ўшанда Ўзбекистон республика деб аталса-да, унинг тузилмасида ҳатто мудофаа вазирлиги ҳам йўқ эди. Бугун сизлар билан фахрланамиз ва сизларга ҳавасимиз келади.

Шундай ҳаяжонли сўзлардан сўнг ўзини оддий аскар Амриддин Шоймуродов деб таништирган барваста йигит саф олдига чиқиб, сўз сўради.

— Мен болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилардим. Касб-ҳунар коллежини тугатгач, аскарлик кийимини кийиш учун ўнлаб тенгқурларим билан «беллашиш»га тўғри келди. Мен муддатли ҳарбий хизматни тугатгач, Ватан ҳимоячилари сафида қолиб, мамлакатим чегаралари дахлсизлигини сақлашга умримни бағишламоқчиман.

Оддий аскар Жаҳонгир Дўстматов, бокс бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Акмал Қосимов, белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони Шерзод Раҳимов бирин-кетин сўзга чиқиб, юртимиздан ҳамиша мард ва жасур ўғлонлар чиққани, бугунги ёшлар уларга муносиб авлод бўлиб қолиши зарурлигини таъкидлашди. Фарғона давлат университети талабаси Гўзалхон Эргашеванинг Ватан ҳимоячиларига бағишланган шеъри барчани тўлқинлантириб юборди.

*Аскар нигоҳлари мисоли бургут,*
*Ўғлим, деб бағрига босади тоғлар.*
*Асли шу — энг гўзал орзу ва умид,*
*Аскар қўлларида ҳилпирар байроқ.*

*Муқаддас бурчига ҳамиша содиқ,*
*Очиқ чеҳра билан чиқади тонгга,*
*Бўлиш учун тинчлик юртимда собит,*
*Сиздек мардлар керак, Ўзбекистонга!*

Фарғона вилояти ҳудудидаги ҳарбий қисмларда байрам тантаналари давом этмоқда.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

**Мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида жойлашган ҳарбий қисмларда ҳам байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.**

# ЮРТ ТИНЧЛИГИ, САРҲАДЛАР ДАХЛСИЗЛИГИ

## Ватан ҳимоячиларининг ҳушёрлиги ва бедорлигига боғлиқ

— Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманиданман, — дейди **оддий аскар Мирзаалиев Муроджон.** — Ёшлигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилардим. Бугун халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлашга ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.

— Армия кишида ҳарбий мутахассисликни эгаллаш, жисмоний чиниқиш, иродани тоблаш билан бир қаторда ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини мустаҳкамлайди, — дейди **самарқандлик оддий аскар Маҳмуджон Турсунқулов.** — Йигитлик бурчимни адо этиш давомида бунга яна бир бор амин бўлдим.

— Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов томонидан Қуролли Кучларимиз юксак босқичга кўтарилди, — дейди **майор Аваз Нуралиев.** — Ҳарбийларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида жанубий воҳада янги чегара пости мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда барча шароитлар муҳайё. Махсус амбулатория ишлаб турибди. Ошхона, ювиниш ва ечиниш хоналари жуда қулай. «Мустаҳкам оила йили»да чегара қўшинларида хизмат қилаётган кўплаб ҳарбий хизматчилар оилаларига янги уй-жойлар берилди.

— Ўтган йили 2 хонали янги уйга кўчиб ўтгандик, — дейди **Дилором Умарова.** — Кўркам хоналар бизга жуда манзур бўлди. Ҳудудда савдо гузари, боғча, мактаб, бор. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-аъзолари эътибор катта.

Бугун шуни ифтихор билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган қисқа даврда ихчам, тезкор, юрт тинчлиги ҳамда сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир миллий армия шаклланди. Қуролли Кучларимиз малакали аскар ва офицерлар билан тўлдирилди. Ҳарбийлар хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Қарор ва ижро

# ДАВЛАТ БИЗНИ КЕЧИРДИ

## энди бу ишончни оқлашимиз керак, — дейишмоқда амнистия акти билан озодликка чиқаётганлар

**Президентимиз Ислом Каримов тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарори қабул қилинган эди. Шу кунларда жойларда мазкур қарор ижроси юзасидан қатор тадбирлар ўтказилмоқда.**



— Ҳозирги ҳаяжонимни, туйғуларимни таърифлаб беролмайман, бир тарафдан қувончим чексиз, ва яна хижолатдаман, — дейди суҳбатдошим, Зангиота туманидаги аёллар колониясидан амнистия туфайли муддатидан олдин озод бўлган собиқ маҳкума. Бугун бўлиб ўтган суд қарорлари асосида ана шу жазони ижро этиш муассасасидаги бир гуруҳ аёл озодликка чиқди. Уларнинг кўплари билан суҳбатлашдик, ҳаммаси шу гапни такрорлашди. Бу тушунарли, албатта. Атрофдагилардан уялиш ҳисси билиб-билмай жиноятга қўл урган, қилмишидан пушаймон кишилардагина бўлади.

Хоразмлик Зайнаб йигирма йилдан буён тиббиёт муассасида ишлаётган эди. Ўз ишининг билимдони бўлгани учун анестезиолог ҳамшира даражасига етишди. Жамоада, оиласида ўзига яраша обрў эътибори бор эди. Ҳамкасби билан биргаликда қилинган ноқонуний ҳаракати унинг ҳаётини бир зумда ағдар-тўнтар қилиб юборди. Беморга бепул берилиши керак бўлган дори воситасини пуллашаётганда қўлга олиндилар.

— Жиноятимнинг бутун даҳшатини энди ҳис қиляпман, — дейди у. — Ўша дори реанимация бўлимидаги бемор болага мўлжалланган эди. Бир нарсага амин бўлдим — ҳеч бир жиноят жазосиз қолмас экан. Виждон олдидаги жавобгарлик ундан ҳам оғир экан.

Зайнаб икки йилу олти ой қамоққа ҳукм қилинган эди, етти ойини ўтаганди, амнистия қўлланганлиги туфайли жазонинг қолган қисмини ўташдан озод бўлди.

— Тўғрисини айтсам, бу етти ой мен учун етти йилдан ҳам узоқ туюлди. Бу ерда яшаш ва ишлаш учун шароитлар бўлгани билан оила бағридаги эркин ҳаётим, уч фарзандимнинг соғинчи жуда қийнади, — дейди Зайнаб. — Яна бир нарса — чиққанимдан кейин эл-юртнинг юзига қандай қарайман, деган хаёл ҳам тинчлик бермади менга. Амнистия мен учун нафақат қамоқ муддатини қисқартирди, кўнглимга ёруғлик ҳам олиб кирди. Давлат бизни кечирди. Энди бу ишончни оқлашимиз керак... Ҳозир эса қамоқхона дарвозаси олдида мени турмуш ўртоғим кутяпти, — суҳбатимиз давомида биринчи марта аёлнинг юзига табассум ёйилади.

Сурхондарёлик Латофатнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикоясини унинг ўзидан эшитар экансиз, ёшгина бу қизнинг шу даражага етишида аслида ота-онаси айбдорлигини англайсиз. У гўдаклигида ота-онаси ажрашиб, қиз бобосининг қўлида қолган экан.

— Баъзан ҳафталаб уйга келмасдим, — пушаймон бўлиб эслайди у. — Нотўғри йўлга кирганимни энди англаб етдим.

У уч йиллик жазо муддатининг салкам бир йилини ўтади. Шу вақт ичида бу ерда таълим олди, тикувчилик ҳунарини ўрганди. Энди у қишлоғига бориб, фойдали меҳнат билан шуғулланиш ниятида.

Латофатнинг кейинги ҳаёти ҳам назоратда бўлади. Муассасадан чиқиши билан яшаш жойида унинг ижтимоий мослашуви бўйича давлат томонидан барча шароитлар яратиб берилади, моддий ёрдам кўрсатилади, тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур бўлса, даволаниш учун йўлланма берилади, ўқиш ёки ишга жойлаштирилади. Яна бир нарса — яқинларининг ва атрофдагиларнинг, маҳалланинг кўмаги ва қўллаб-қувватлаши ҳам Латофат учун жуда муҳим. Бу мадад фақат у учун эмас, жазони ижро этиш муассасидан чиққан ҳар бир фуқаро учун аҳамиятлидир.

— Жиноят ва унинг жазоси нима эканини бошимдан ўтказдим, — дейди чегарадан ноқонуний тарзда ўтгани учун жавобгарликка тортилган Дилноза. — Қонун-қоидаларни билмаслик сени жиноий жавобгарликдан халос қилмаслигини ҳам тушуниб етдим. Кейинги ҳаётимда ҳуқуқий билимларимни оширишга ҳаракат қиламан.

Дилноза бу ҳаракатларини аллақачон бошлаган — у амнистия фуқарога фақат бир марта қўлланилишини, бу инсонпарварлик далолатномаси нафақат имконият, синов ва масъулият эканини ҳам билиб, тушуниб олди.

*Кузатишларга қараганда, амнистия актларидан баҳраманд бўлган фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилиши фактлари кейинги йилларда кескин камайган.*

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Хориж

# КОСМЕТИКА

## уч марта кўп қўлланади

***Янги йил байрамларида аёллар одатдаги кунларга қараганда пардоз-андоз вақтида косметика маҳсулотларини юзларига уч баробар кўп суркашаркан.***



Яъни «The Daily Mail» газетасида ёзишларича, одатдаги иш кунларида аёллар 4 турдаги косметик маҳсулотларни юзларига суркашса, янги йилда бу рақам 12 турни ташкил этади. Агар шунчаки кечки макияж қилдиришмоқчи бўлишса, у ҳолда 8 хил косметик маҳсулотдан фойдаланишади.

Тадқиқотчиларнинг сўзларига қараганда, аёллар тушдан, рангли кремлардан, упа ва лаб бўёқларидан ҳар куни фойдаланишади. Янги йил байрамида эса бунга улама киприклар, ялтироқ лаб бўёқлари, ёрқин ва ялтироқ тус берувчи упа-эликлар, соч турмаклари ва бошқа зеб берувчи пардоз-андозлардан фойдаланишини ҳисобга олсак, демак, улар учун қанча вақт сарфлашини тасаввур қилаверинг.

# ГУЛЛАР

## нега ифор таратади?

***Гуллар таркибида эфир мойи мавжудлиги учун ҳам улар ўзига хос ифор таратади. Эфир мойи ўсимликларнинг мувофиқлаштирувчи омили ҳисобланади. Яъни ўсимликлардан чиққан эфир мойи ва сув буғлари аралашмаси ўсимлик атрофида кўзга кўринмайдиган булут ҳосил қилади.***



Мазкур булут эса ўсимликни кундузи ҳаддан зиёд иссиб кетишдан ва нурланишдан, кечаси эса совуб кетишдан асрайди. Бундан ташқари, эфир мойи ва сув буғлари аралашмасидан таркиб топган кучли ҳид ҳашаротларни унга яқинлашишдан чўчитади, шу билан бирга айрим ўсимликлар чорвани ҳам четлаб ўтишга мажбур қилади.

Масалан, шувоқ, ялпиз, лаванда (ҳаворанг ёки бинафшаранг гулли, хушбўй, доим яшил ўсимлик) ҳиди чивин, куя, пашшаларни, гулидовуд ёки гулижавҳар эса турли зараркунандаларни яқинлаштирмайди.

Бироқ айрим ўсимликларнинг ифори кишиларга фойда беришини унутмаслик жоиз. Жумладан, шувоқ ҳиди мускулларга куч бағишлаб, унинг таранглашиш қувватини оширади. Атиргул ифори эса миядан ёмон фикрларни қувади ва кайфиятни кўтаради. Ясмин бўйи эса кишида меҳнат қобилиятини тиклаш билан бирга организмга осойишталик бағишлайди. Бинафшанинг ҳам кишилар саломатлиги учун фойдали жиҳати алоҳида таҳсинга лойиқ. Унинг ҳиди руҳиятни кўтариб, саломатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Гулсапсарда ҳам худди шундай «қувват» мужассам.

Цитруслар оиласига мансуб дарахт бўлмиш бергамотлар эса кишида сиқилиш ҳолатларини бартараф этиш хусусиятига эгалиги билан ажралиб турса, бошқа цитруслар ҳиди кишига қўшимча энергия бағишлайди ва кайфиятни кўтаради.

Чиннигул мойи қадимдан парфюмерияда қўлланиб келинади. Эрамиздан аввалги III асрдаёқ чиннигулдан дезодорант сифатида фойдаланилган. Хитойда эса император билан учрашувдан олдин ҳар бир киши оғиздаги турли ҳидларни бартараф этиш учун албатта чиннигул чайнаган.

---

Янги йил туҳфаси

# РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ИШ БОШЛАДИ




**Сурхондарё вилоятида рақамли телевидениенинг фаолият бошлагани воҳа халқи учун чинакам янги йил совғаси бўлди.**

Ҳудудлардаги станциялар тўлқин узатадиган зарур мосламалар орқали жойларга 12 тадан 60 тагача бўлган телеканални бевосита томоша қилишга мўлжалланган махсус техник қурилмалар билан тўлиқ таъминланди. Натижада «Ойнаи жаҳон»даги ранг-тасвир сифати тубдан ўзгариб, овоз тўлқини бир неча бароборга яхшиланди.

Бундай имконият ва қулайлик воҳа аҳолисининг тезкор ахборотга бўлган талабини тўлиқроқ қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

**(Ўз мухбиримиз.)**

Тиббиёт



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

# «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАСИ»

*Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган 39-оилавий поликлиника Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган танловда ғолиб бўлди*

— 2012 йил мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган эди, — дейди **поликлиника бош врачи Заҳро Расулхўжаева.** — Йил давомида оилавий поликлиникаларни моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бизнинг тиббиёт муассасамиз 28 мингдан ортиқ фуқарога, шу жумладан 8959 та оилага хизмат кўрсатади. Шунингдек, ҳудудимизда 7 та маҳалла, 4 та мактаб, 2 та мактаб-интернат, 6 та болалар боғчаси ва битта коллеж бор. Поликлиникамизда умумий врачлар сони 60 нафарни ташкил этади. Улар ҳар йили малакасини оширишади. Муассасамиз замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Ҳар ойнинг иккинчи ҳафтаси поликлиникамизда «Саломатлик ҳафтаси» деб эълон қилинган. Ҳудудимиздаги маҳаллаларда истиқомат қилувчилар келиб тиббий текширувдан ўтишади. Бугун «Наққошлик» маҳалласининг навбати. Бунда асосан 14 ёшгача бўлган болалар, фертиль ёшидаги аёлларга алоҳида эътибор қаратилади.

Бизда охирги беш йилда оналар ўлими умуман кузатилмади. Гўдаклар ўлими эса кескин камайган. Аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари ўтказиляпти. Бизнинг 2013 йилдаги асосий мақсадимиз тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ва ҳар бир оилага кириб бориш.

2012 йилда «Йилнинг энг яхши оилавий поликлиникаси» танловида ғолиб деб топилдик. Янги йилда бу номни оқлаш ва «Обод турмуш йили»га ўз ҳиссамизни қўшишни ният қилганмиз. Юрт ободлиги оила ободлигидан, оила саломатлигидан бошланади.

— Икки нафар қизим бор, — дейди **«Наққошлик» маҳалласида яшовчи Раъно Раҳимова.** — Улар соғлом вояга етишяпти. Қандайдир муаммо туғилиб қолса, поликлиникадан бизга бириктирилган ўз оилавий шифокоримизга мурожаат қиламиз. Улар текшириб муолажа қилишдан ташқари уй шароитида нималар қилиш мумкинлигини ҳам батафсил тушунтиришади. Тез-тез уйимизга келиб, тиббий маданият, тиббий саводхонлик юзасидан суҳбатлар ўтказиб туришади.

— Ўғилларим Зиёдулла ва Саъдуллани шифокор ҳузурига олиб келган эдим, — дейди **«Наққошлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Матлуба Пиримова.** — Уларнинг саломатлигидан шикоятимиз йўқ. Лекин ҳозир қиш мавсуми. Гўдакларнинг организми шамоллашга мойил бўлади. Шу сабабли ҳам яна бир бор текширувдан ўтказяпман. Поликлиникада фаолият кўрсатаётган шифокорларга катта раҳмат. Улар бутун оиламиз саломатлигига доимо ғамхўрлик қилишмоқда.

**Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ**

Интернет-суҳбат

# МУСТАҚИЛ ҲАЁТ МАСЪУЛИЯТИНИ ХОРИЖДА ЎҚИШ ВА ЯШАШ ДАВОМИДА ТУШУНИБ ЕТДИМ

*— дейди Жакарта давлат университети талабаси Аброр Қодиров*

— 1989 йилда Фарғона вилояти Учкўприк тумани Оқтепа қишлоғида туғилганман, — дейди у. — Қишлоғимиздаги 41-умумий ўрта таълим мактабида ўқиганман. Кейинчалик Сирғали туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабида ўқишни давом эттирганман. Менга ҳарф ўргатган, таълим-тарбия берган барча устозларимга ҳурматим чексиз. Улардан бир умр миннатдорман. Мактабни битиргач Тошкент давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетига ўқишга кирдим.

***— Индонезияга бориш имконияти қандай пайдо бўлди?***

— Турли халқларнинг тил ва маданиятини ўрганишга қизиқаман. 2012 йилнинг февраль ойида Индонезиянинг Тошкентдаги элчихонаси расмий сайтида Индонезия ҳукумати томонидан ҳар йили ташкил этиладиган «Darmasiswa» таълим гранти ҳақида ўқиб, унда иштирок этдим ва ютиб олдим. Ҳозир Жакарта давлат университетида тил ва маданият йўналишида ўқияпман.

***— Таълим жараёни нималарни ўз ичига олади?***

— «Darmasiswa» таълим гранти бизга хоҳлаган йўналишимизни танлаш имкониятини берди. Мен инглиз ва индонез тиллари ихтисослиги бўйича ўқишни маъқул кўрдим. Дарсларимиз ҳам ушбу тилларни чуқурроқ ўрганишга қаратилган. Бугунги кунда 11 нафар ўзбекистонлик ёшлар Жакарта давлат университетида таҳсил оляпмиз.

***— У ерда нималар эътиборингизни тортди?***

— Ҳайратланарли жиҳатлар кўп. Масалан индонез халқининг кўплаб фазилатлари — хушмуомалалик, меҳмондўстлик, шунингдек, бунёдкорлиги жудажуда ўзбекларга ўхшаб кетади. Аҳолисининг 90 фоиздан ортиқ қисмини мусулмонлар ташкил этгани боис Имом Ал-Бухорийни қадрлашади. Ўзбек футболини, «Пахтакор», «Бунёдкор» клубларини билишади. Сервер Жепаровни танийдиганлар ҳам анчагина.



Улар Ўзбекистон ҳақида гапирганда асосан тарихий шаҳарларимиз, биздаги 4 фасл (бу ерда фақат қуруқ ҳамда ёмғир мавсуми мавжуд) ҳақида, қор ҳақида сўрашади. Шундай пайтларда Ўзбекистондай Ватаним борлигидан, унинг бетакрор табиатидан фахрланаман.

***— Хорижда ўқиш сизга нима берди?***

— Ўзимга бўлган ишончим ортди. Дунёнинг турли бурчакларида яшовчи, бутунлай бошқа маданият вакилларидан дўстлар орттирдим. Ажойиб устозлардан таҳсил олаяпман. Мустақил ҳаёт масъулиятини хорижда ўқиш ва яшаш давомида тушуниб етдим.

***— Янги йилни қандай кутиб олдинглар?***

— Янги йил Индонезияга Ўзбекистондан икки соат олдин кириб келди. Индонезия иқлими бизникидан кескин фарқ қилгани боис, бироз ғалати туюлди. Ахир янги йил кириб келаётганда одамлар кўчада енгил футболка кийиб юришига ўрганмаганмиз. Ўша куни Жакартанинг марказий майдони ҳамда катта савдо марказларидан бирида ташкиллаштирилган байрам тантаналарида иштирок этдик. Уйга қайтиб келгач эса Ўзбекистонга қўнғироқ қилиб, оила аъзоларимни янги йил билан табрикладим.

Ҳар жойнинг ўз урф-одатлари бор, байрамлар ҳам турлича ўтади. Бу ерда биз байрам кунларини ўзбек миллий таомларисиз ўтказдик. Лекин унинг ўрнига биз индонез миллий таомларидан татиб кўрдик. Меҳмондўст индонезияликлардан бир нечтаси шу куни байрамни бирга нишонлаш учун бизни уйларига таклиф қилишди.

***— Яқин келажакдаги режаларингиз?***

— Жакартадаги бир йилга мўлжалланган грант дастурини якунлаб, юртимизга ёруғ юз билан қайтиш. Шунингдек, ҳарбий хизматга бормоқчиман. Спорт журналистикаси билан жиддий шуғулланмоқчиман.

2013 йил Президентимиз томонидан «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганини интернет орқали ўқидим. Оилани муқаддас биладиган халқимиз учун турмуш ва унинг ободлиги доимо бош масала бўлиб келган.

Янги йил билан барча юртдошларимизни, жумладан оила аъзоларимни табриклайман.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ суҳбатлашди.**

Шоҳмот



# FIDE РЕЙТИНГИДА

*энг юқори кўрсаткич қайд қилинди*

***Халқаро шоҳмот федерацияси (FIDE)нинг Янги йилда эълон қилган рейтингида биринчи ўринни эгаллаб турган норвегиялик 23 ёшли Магнус Карлсеннинг кўрсаткичи 2861 бирликни ташкил этди. Бу 1998 йилдан буён ўзгармай келаётган 13-жаҳон чемпиони, россиялик Гарри Каспаровнинг 2851 кўрсаткичидан 10 бирлик кўп бўлиб, янги жаҳон рекорди ҳисобланади.***

Ўн уч ёшида халқаро гроссмейстер талабини бажарган Карлсен қатор нуфузли мусобақаларда ғолиб чиқди ва 19 ёшида, яъни 2009 йилнинг охирида FIDE рейтингида юқори ўринга кўтарилди. У ўтган йилнинг декабрь ойида Лондонда ўтказилган нуфузли мусобақада биринчи ўринни эгаллаб, ўз рейтингига 13 бирлик қўшди ва 14 йилдан бери дахлсиз турган Каспаров кўрсаткичидан 10 бирлик ўзиб кетиб, жаҳон рекордини янгилади. Жаҳон рейтингида россиялик Владимир Крамник 2810 бирлик билан иккинчи, арманистонлик Левон Аронян 2802 бирлик билан учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Шу ўринда ҳамюртимиз, 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг ўтган йили Тошкент Гран при мусобақасида муваффақиятли қатнашиб, ўз кўрсаткичига 25 бирлик қўшганини ва 2709 бирлик билан FIDE рейтингида 33-ўринга кўтарилганлигини ҳам таъкидлашимиз керак.

**Асрор МЎМИН**

**ОБ-ҲАВО** 8-9 – 01. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C)

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -4 / -9 | +2 / +7 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | -2 / -7 | 0 / +5 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | 0 / -5 | +5 / +10 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | -3 / +2 | +7 / +12 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | -5 / -10 | -3 / +2 |
| Тошкент шаҳри | -2 / -4 | +8 / +10 |

Дунё бўйлаб (°C)

| | |
|---|---|
| Лондон | +9 / +5 |
| Париж | +3 / +3 |
| Москва | -10 / -13 |
| Мадрид | +1 / +1 |
| Пекин | -9 / -11 |
| Канберра | +21 / +14 |
| Рим | +2 / +4 |
| Афина | 0 / -1 |
| Токио | +2 / +3 |
| Стокгольм | -3 / -3 |
| Кейптаун | +17 / +16 |
| Қоҳира | +9 / +10 |
| Гавана | +21 / +21 |
| Вашингтон | +3 / +2 |

Футбол

# ЯНГИ МАВСУМ ТАРАДДУДИ

**Шу кунларда футбол бўйича олий лига жамоалари Ўзбекистон XXII миллий чемпионатига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Янги мавсумда Тошкентнинг бир йўла уч жамоаси — «Бунёдкор», «Пахтакор» ҳамда «Локомотив» футболчилари Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.**

Футболимиз тарихида илк маротаба миллий чемпионат бронза медали билан тақдирланган пойтахт темирйўлчилари маҳаллий клубларимиз орасида биринчилардан бўлиб баҳсларга киришади. Жумладан, «Локомотив» жамоаси шу йилнинг 9 февралида Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларига йўлланма берувчи «плей-офф» учрашувида майдонга тушади. Шу куни ҳамюртларимиз Дубайда Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Наср» жамоаси меҳмони бўлади. Мазкур муҳим учрашувга пухта ҳозирлик кўришни мақсад қилган темирйўлчилар ўқув-машғулот йиғинини ўтказиш учун куни кеча Абу-Даби шаҳрига жўнаб кетишди.

Жамоа мураббийлар штаби мавсум олди йиғинларида бир қатор янги футболчиларни кўрикдан ўтказишни режалаштирган. Жумладан, Жасур Ҳасанов («Бухоро»), Иван Нагаев, Салим Мустафоев («Динамо»), Павел Смоляченко («Нефтчи»), Руслан Мелзиддинов («Бунёдкор») сингари ўйинчилар Ўзбекистон XXII миллий чемпионатида «Локомотив» шарафини ҳимоя қилишга яқин туришибди. Режага кўра, темирйўлчилар кеча Дубайда Германиянинг «Гамбург» футболчиларига қарши ўртоқлик назорат учрашувида майдонга тушдилар.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Пахтакор» жамоаси таркибидаги ўзгаришлар ҳам кўпчиликнинг диққат-эътиборида турганлиги шубҳасиз. Яқинда клуб раҳбарияти Мурод Исмоиловни расман пахтакорчилар бош мураббийи этиб таништирди. Таркибга эса Александр Мерзляков («Шўртан»), Элдор Маматказин («Андижон»), Жора




Оганесян («Локомотив»)лар таклиф этилган.

Пахтакорчилар дастлабки хориж йиғинини Бирлашган Араб Амирликларида ўтказади. Бугун сафарга отланган бу жамоа йиғин мобайнида Қатарнинг «Ал-Жаиш», Украинанинг «Металлист», Россиянинг «Кубань» ҳамда «Анжи» футболчиларига қарши назорат учрашувларида майдонга тушади. Пахтакорчиларнинг ушбу ўқув-машғулотлари 22 январга қадар давом этади.

Миржалол Қосимов бош мураббийлик қилаётган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси янги йилнинг илк кунларидаёқ хориж йиғинига йўл олганди. Клуб матбуот хизматининг билдиришича, жамоани етакчи футболчилардан бири Виктор Карпенко тарк этган. Таркиб ўзаги сақлаб қолинган ҳолда янги мавсумда бунёдкорчилар сафида Фозил Мусаев («Насаф»), Олег Зотеев («Олмалиқ»), Игорь Таран («Шўртан») каби футболчиларнинг майдонга тушиши аниқ бўлди. «Бунёдкор» футболчиларининг БААда давом этаётган йиғин чоғида қайси жамоалар билан куч синашишига бугун-эрта ойдинлик киритилади.

Охирги мавсумда тўртинчи ўрин билан кифояланган Қаршининг «Насаф» жамоасида ҳам ўзгаришлар юз бериши кутилмоқда. Айни пайтда қаршиликлар ўз қароргоҳларида кунига икки маҳалдан машғулотлар олиб боришмоқда. Жамоа дарвозабон Мураджон Зуҳуров, ҳимоячи Шавкат Раимқуловлар билан шартномаларни бекор қилган.

Қолган бошқа жамоаларимиз ҳам янги мавсум тараддудини аллақачон бошлаб юборган. Уларнинг аксарияти чемпионатга мамлакатимизда ҳозирлик кўришмоқда. Январнинг учинчи ҳафтасидан бошлаб олий лига жамоалари пойтахтимизда йиғинлар ташкил этишни режалаштирган.

**Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 146
19605 nusxada bosildi.
Nashr ko'rstkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 22.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5